

«ТАСДИҚЛАЙМАН»



## Ижтимоий соҳа статистикаси бўлими тўғрисида

### Н И З О М

#### 1. Умумий қондалар

1. Мазкур Низом ижтимоий соҳа статистикаси бўлимининг (кейинги ўринларда бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва у Жиззах вилояти статистика бошқармасининг (кейинги ўринларда Вилоят статистика бошқармаси деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларига, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Бўлим ижтимоий соҳа масалалари бўйича фаолиятини Вилоят статистика бошқармаси бўлинмалари, шаҳар ва туманлар статистика бўлимлари (кейинги ўринларда ҳудудий статистика органлари деб аталади) билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини Вилоят статистика бошқармаси раҳбарлигида амалга оширади.

Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Бошқарма бошлигининг ўринбосарига бўйсунди.

#### 2. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Давлат статистика ишлари Дастурини, статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини, ижтимоий соҳа статистикаси билан боғлиқ ишларининг режа-жадвали, Вилоят статистика бошқармасининг иш режаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

Ижтимоий соҳа статистикаси қисми бўйича Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишлари дастурини ишлаб чиқариш дастури, методологик ишлар режа-жадвалининг бажарилиши таъминлаш;

Ижтимоий соҳа статистикаси бўйича қузатувларни ташкил этиш ва ўтказишни таъминлаш;

Ижтимоий соҳа статистикаси бўйича давлат статиска ҳисоботлари натижаларининг тезкорлиги, ишончлилиги ва ҳолислигини, статистик ахборотларнинг қулайлиги, очик-ойдинлиги ва ошқоралигини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш;

ишончли давлат статистика маълумотларини тақдим этишда хўжалик субъектларига ҳар томонлама кўмаклашиш, статистик маълумотларни тақдим этиш соҳасида ҳуқуқий маданиятни оширишда иштирок этиш, статистик назоратни амалга оширишнинг замонавий усулларини жорий этиш;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича олинган статистика маълумотларининг махфийлиги, давлат сирларига эга бўлган статистика маълумотларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш;

оммавий ахборот воситаларида жойлаштириш учун вилоят аҳолиси ижтимоий соҳа бўйича тенденцияларини тавсифловчи комплекс таҳлилий докладлар, пресс-релизлар ва мақолалар тайёрлаш, тарқатилаётган статистик маълумотларга таҳлилий ва маълумотнома материаллар мажбурий тартибда илова қилинишини таъминлаш;

ижтимоий соҳа статистикасига тегишли қисми бўйича вилоят иқтисодиётининг ривожланиш ҳолати, иқтисодиётни ривожлантириш ва ислоҳ қилиш бўйича статистик ва таҳлилий материалларни тайёрлаш ва белгиланган тартибда тақдим этиш;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича очик статистик маълумотларни давлат статистика органлари, бошқа давлат органлари ва барча фойдаланувчиларга статистик маълумотлардан фойдаланиш учун тенг имкониятларни таъминлаш;

ижтимоий соҳа статистикаси маълумотлари асосида оммавий ахборот воситаларида таҳлилий лавҳалар, диаграммалар ва графикларни кенг намоиш қилиш, статистик нашрларга кўрсаткичларни визуаллаштиришнинг илғор усулларини жорий этиш йўли билан алоҳида статистик кўрсаткичлар тўғрисида аҳолини хабардор қилиш бўйича чораларни кўриш;

7. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ижтимоий соҳа статистикаси бўйича давлат статистик ҳисоботларини ҳар хил турдаги қузатувларни бирлаштириш йўли билан оптималлаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

Ижтимоий соҳа статистикасига оид давлат статистика маълумотларини тақдим этиш тартибига риоя этилиши юзасидан мониторинг ўрнатиш.

Бўлимга тааллуқли бўлган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларнинг тегишли қисмини кўриб чиқади ва улардаги масалаларни ҳал қилиш бўйича, зарур ҳолларда жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида, таклифлар тайёрлайди;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистика ахборотларини йиғади, қайта ишлайди, тўплайди, сақлайди, умумлаштиради, таҳлил қилади ва эълон қилади;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича кўрсаткичларнинг ишончлилигини, ҳолислигини ва комплекслилигини таъминлайди;

давлат органларини, юридик шахсларни ва аҳолини статистика ахборотлари билан белгиланган тартибда таъминлайди;

Бўлим белгиланган тартибда ўзига юклатилган бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

### 3. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижтимоий соҳа статистикаси бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан белгиланган тартибда давлат статистика ҳисоботини олиш ҳамда ундан статистика мақсадларида фойдаланиш;

раҳбариятига ижтимоий соҳа статистикаси самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритиш;

ижтимоий соҳада меъёрий-ҳуқуқий базани ривожлантириш ва такомиллаштиришда, статистик кузатувлар методологияси ва методикасини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

давлат статистика ишлари Дастурига асосан статистика ишларини ўз муддатларида бажарилишини таъминлаш;

ижтимоий соҳа статистикаси бўйича кузатув шаклларидаги тўлиқлигини таъминлаш, бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

Бўлим фаолиятига тегишли масалалар бўйича конференциялар, семинарлар ва йиғилишларда иштирок этиш.

9. Бўлим қуйидагилар учун жавоб беради:

ўзига юклатилган вазифаларнинг лозим даражада ва самарали бажариш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

Бўлим ходимлари томонидан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

### 4. Бўлимнинг таркиби

10. Бўлим таркибига бўлим бошлиғи, бош ва етакчи мутахассис киради.

11. Бўлим иш фаолиятига бевосита бўлим бошлиғи раҳбарлик қилади.

12. Бўлим бошлиғи, бош ва етакчи мутахассис бошқарма бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

### 5. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

16. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг "Давлат статистикаси тўғрисида"ги қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси тўғрисидаги Низом, вилояти статистика бошқармаси Низоми, мазкур Низом, Давлат статистика қўмитаси раисининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Давлат статистика қўмитасининг иш режалари, бошқарманинг иш режалари бўлимнинг иш режаси ва бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг иш режаси бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланган бошқарманинг иш режалари асосида шакллантирилади.

Ходимларнинг функционал вазифалари бўлим бошлиғи томонидан бўлимга юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланади ва бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

## 6. Бўлим бошлиғи:

Бўлим фаолиятига раҳбарлик қилади ва берилган топшириқларни ўз вақтида бажарилишига жавоб беради.

Буйруқлар ва белгиланган тартибда тасдиқланган йўриқнома ва меъёрий ҳужжатларни бўлим ходимларига, туман(шаҳар) статистика бўлимларига етказиш ва ижросини таъминлаш;

Бўлим Низоми ва лавозимлар йўриқномаси асосида ходимларнинг вазифаларини тақсимлаш;

Вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланиши тўғрисидаги иқтисодий кўрсаткичлар тўпламини бўлимга тегишли бўлган кўрсаткичларни тузиш, нашр қилиш ҳамда маърузалар тайёрлашни ташкиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, шунингдек бошқа белгиланган тартибда тасдиқланган йўриқнома ва меъёрий ҳужжатларни чуқур ўрганиб ўзининг ва бўлим ходимларининг малакасини ошириш устида мунтазам ишлаш;

Ижтимоий соҳа статистикаси бўйича иш режасини тўғри ташкил этиш, кузатувни тўғри амалга оширилишини назорат қилиш, шаклланган маълумотларни электрон дастурга киритилишини назоратга олиш;

статистик тўпламлар учун тайёрланган маълумотларни таҳлил қилиш ва доимий назоратга олиш;

бўлимда иш юритилишини таъминлаш, ҳар бир ходим билан ишлаш, иш жараёнини текшириб бориш ҳамда қабул қилинаётган кузатувларни таҳлил қилиб бориш;

ижтимоий соҳа статистикаси маълумотлари ишончлилигини ва махфийлигини таъминлаш ҳамда доимий назорат қилиб бориш.

## 7. Бўлим бош мутахассиси:

Бўлим бошлиғи меҳнат таътили ёки хизмат сафарида бўлган вақтда бўлимда раҳбарликни амалга оширади ва берилган топшириқларни ўз вақтида бажарилишига тўлиқ жавоб беради;

Ижтимоий соҳа бўйича ўзига беркитилган барча ҳисобот шакллариини ўз вақтида ҳужалик субъектлари томонидан электрон тарзда тўғри қабул қилиб олиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари шунингдек бошқа белгиланган тартибда тасдиқланган йўриқнома ва меъёрий ҳужжатларни чуқур ўрганиб малакасини ошириш устида мунтазам ишлаш.

Қабул қилиб олинган ҳисобот маълумотлари асосида бюллетен тўплами учун маълумотларни таҳлил қилиш.

Раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради.

### 8. Бўлим етакчи мутахассиси:

бўлим бош мутахассиси меҳнат таътили ёки хизмат сафарида бўлган вақтда унинг мажбуриятларни бажаради ва ўзига юклатилган кузатув маълумотлари юзасидан берилган топшириқларни ўз вақтида бажарилишига жавоб беради;

Ижтимоий соҳа статистикаси бўйича ўзига беркитилган статистик хисоботларни хўжалик субъектлари томонидан тўғри қабул қилиб олиш ва таҳлил қилиш ишларини амалга оширади.

бўлимдаги кириш ва чиқиш хатларини қайд этиб бориш, дастлабки шаклини тайёрлаш;

бўлимдаги хужжатларни муддати ўтган кузатув шаклларини ўз вақтида бошқарма архивига топширилиши учун дастлабки маълумотларни тайёрлаш ва жамлаш;

Хўжалик субъектлари томонидан тақдим этилган статистик хисоботлар асосида статистик бюллетенлар тўплами учун тайёрланган маълумотларни таҳлил қилишда иштирок этиш.

Рахбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни амалга оширади.

тирок этади.